


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Мадалиева

“Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг (1441–1501) илк шеърияти “Илк девон” [16], “Оққўюнли мухлислар девони” [20] тартибида қўлёзма девон ҳолига келтирилган. Илмий фаразларга кўра, ушбу қўлёзма девонларнинг нусхаларини Навоийнинг ўзи кўрган ёки улар ҳақида эшитган бўлиши мумкин. Табиийки, бу фаразларнинг барчаси муаллифнинг ўз сўзларига таянилган.

Ҳ. Сулаймон (1910–1979) Навоийнинг “Бадойиъ ал-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”) дебочасида келтирилган: *“Аммо халойиқ арасида минг байт-икки минг байт ортуғроқ-ўксукрак-ким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди)*” [11: 12b; 44: 25] жумласига таяниб, шоир бу ўринда “Илк девон”га ишора қилаётганини ёзган [44: 47].

А. Эркинов Навоий дастлабки шеъриятининг Табриз заминида туркий шеърият ихлосмандлари томонидан яна бир девон ҳолига келтирганидан муаллифнинг хабари бўлганини қуйидаги мисраларга боғлаб изоҳлайди:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез [21: 233b].

“... айни мисраларни мусулмон Шарқи шеъриятидаги фахрия[1] имкониятларидан фойдаланиш, деб ҳам баҳолаш мумкин. Бироқ яқинда мен санъатшунослар орасида маълум, лекин ўзбек классик адабиёти мутахассислари орасида номаълум бўлиб келаётган бир қўлёзма таркибига диққатимни қаратдим. Мазкур қўлёзма Қоҳирада жойлашган Миср Миллий кутубхонаси – Дорул кутубда сақланади. Навоий девонидан ташкил топган бу қўлёзманинг қўлга киритилиши муносабати билан юқорида келтирган мисралар шоир фахрияси бўлибгина қолмай, балки аниқ ва асосли маънога эга бўлиб чиқди [20: 27].

Шундай экан, Навоий ўзининг шеърияти Ҳиротдагина эмас, унинг ташқарисида ҳам шуҳрат қозонгани, аллақачон девон ҳолига келтирилганини билса, нега “Бадойиъ ал-бидоя”ни тартиб бериш зарурати туғилди? Бизнингча, бунинг кўпгина сабаблари мавжуд эди. Улар ичида энг оддий жавоб: юқорида номлари келтирилган икки девон тузилгандан сўнг ўтган муддат орасида Навоийнинг ёзган шеърлари адади янада кўпайган. Шунинг учун, Султон Ҳусайн (1469–1506) Навоийга девон тузишни буюрган [15: 10]. Аммо масаланинг ўта нозик қирралари мавжудки, бизнингча, булар туркий адабиёт, хусусан, туркий девончилик тарихига бориб тақалади.

Мақолада “Бадойиъ ал-бидоя” девони тузилишининг Алишер Навоий шеърияти тарихидаги аҳамияти тадқиқ этилади. Шунингдек, туркий девончилик тарихининг “Бадойиъ ал-бидоя” яратилишидан аввалги манзаралари, ушбу анъананинг адабий жараён сифатида форс мумтоз адабиётидаги муқобил вазият билан рақобатлаша олиши ёки олмаслиги масалалари кўриб чиқилади. Шу маънода “Бадойиъ ал-бидоя” девони ана шу рақобатлашув натижасининг дастлабки манбаси сифатида ўрганилади. Тадқиқотда масаланинг бу тарзда қўйилишига кейинги йилларда навоийшунослик соҳасида эришилган методологик қарашлар асос бўлиб хизмат қилади [1: 3–9; 2: 9–16; 3: 10–18; 4: 3–10; 5: 3–11; 15: 689; 23: 438–466; 32: 6–11; 33: 209–218; 34: 400–408; 24: 203–235; 25: 32–38; 26: 207; 27: 6–10; 28: 510; 29: 12–17; 35: 679; 36: 136; 37: 17–23; 38: 78–89; 39: 204; 40: 74–78; 41: 88; 44: 415; 45: 57–62; 50: 294; 51: 199; 48: 51–57; 52: 1072; 53: 157–190; 54: 253–262; 55: 14–27; 56: 127–209; 57: 90–93].

[1] *Фахрия/ифтихория* (арабча ўзини мадҳ этиш; ғурур, шуҳрат; шаън; юксаклик маъноларида) – шеърий услуб бўлиб, шоирнинг ўзини мадҳ қилишини англатади. Бунда шоир ўз шеърий маҳоратидан ғурурланади.

Ушбу мақолада илгари сурилаётган янгича ёндашувларда академик А. Куделин, А. Эркинов, М. Тоутант каби олимларнинг шу йўналишдаги тадқиқотларига таянилган [30: 5–11; 31: 33–41; 45: 42–59; 48: 132–158].

Алишер Навоий ўз ижодига, хусусан, шеърияти жамланган девонларнинг тузилиши жараёнларида фақат замондош форс шоирларнинггина эмас, ўтмиш ижодкорларнинг девонлари савияси билан тенглашишни, улардан ўзиб кетишни мақсад қилган дейиш мумкин. Ушбу фаразимизни шоирнинг асарларида келган баъзи қайдлар далиллай олади. Тўрт девондан иборат "Хазойин ал-маоний" ("Маънолар хазинаси") дебочасида Султон Ҳусайн тилидан айтилган қуйидаги фикрларга диққат қилинг: "... тўрт гавҳардин мураккаб бўлған башар хайли ҳеч қайсидин тўрт девон ёдгор қолмайдур. Бир ўз асрида ганжи маънавий Амир Хусрав Деҳлавийни дерларким, султон Маликшоҳ Алп Арслон отиға тўрт девон мураттаб қилмиш бўлғайу хотимасини анинг оти била музайял этмиш бўлғай ва бу иши ул замоннинг яхши-ёмони қулоғига етмиш бўлғай, агарчи бу сўз мазкурдур, аммо ул девонлар маъдумдур ва ул маъдумларнинг агарчи асомийси мавжуддур, аммо вужуди номаълумдур" [22: 11]. Ушбу маълумотларга суянган ҳолда Навоий хамсанависликдагина ўтмиш форс классиклари билан рақобатлашиб қолмай, девонларини тартиб бериш ва сайқаллаш масаласида ҳам маълум маънода улар билан беллашган дейиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, ижобий маънодаги рақобатлашув натижаларидан туркий адабиётнинг даражасини кўтаришдек улуғ мақсадлар кўзланган.

Маълумки, Навоий адабиётга форс шеъриятига ошиқлиги орқали кириб келди. Эрта ёшлик чоғлари асосан форсийда шеър битганини "Муҳокамат ал-луғатайн"да ("Икки тил муҳокамаси") шоирнинг ўзи ёзиб қолдирган: بو خاکسارغه صبا اوایلی دا کیم اغیز حقه سیدین بیرار کوهر ظاهر بولا باشلار اول کوهرلار هنوزنظم سلکی کا کیرمایدور ایردی کیم ضمیر دریاسیدین نظم سلکی کا تارتیلغان کوهرلار طبع غواصی سعیی بیله اغیز ساهلی غه کیلا باشلاماق کورکوزوب ایردی چون مذکور بولغان قاعده بیله کیم ادا تاپتی میل فارسی ساری بولدی اما چون شعور سنی غه قدم قویولدی چون حق سبحانه و تعالی طبع غه غرابت ساری میل نی ذاتی و دقت دشوار پسند لیق قه شعورنی جبلی قیلیب ایردی ترک الفاظی غه داغی ملاحظه نی لازم کورولدی. . [19: 11]

Маъноси: Бу камина ҳали ёшлик чоғимда, оғиз қутичасидан бироз гавҳар кўрина бошлаб, у гавҳар ҳануз назм (шеър) ипига тортилган гавҳарлар таб ғаввоси ҳаракати билан оғиз соҳилига кела

бошламоқни истаб қолди, лекин юқорида айтилган қоидага мувофиқ майл форсчага бўлди. Аммо тушуниш ёшига қадам қўйилганда Тангри аслда табимизда ғаройиб нарсаларга майлни ва нозик ҳам қийин нарсаларни англашга киришишни табиий қилгани учун турк сўзлари устида мулоҳаза юргизиш лозим кўрилди [19: 71].

Бу ҳолатни шоир яшаган давр адабий муҳитида ҳукмронлик қилган форс тилли шеъриятнинг таъсиридир дейиш мумкин. Қолаверса, Навоийнинг “Муҳокамат ал-луғатайн”да таъкидлашича, форс адабиётида шеър ёзиш учун аллақачон тайёр ифодаларнинг мавжудлиги, туркийда эса асосан, янгидан яратиш, заҳмат чекиш лозимлиги етишиб келаётган шоирларни, ўзлари асли туркий бўлсалар-да, форсийда ижод қилишга ундар эди [19: 70]. Ушбу фикрлар Навоийнинг туркий тил ва адабиёт равнақи йўлида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қилинажак ишлар ниҳоятда кўплигини йигит ёшларидаёқ англаб етгани, бу йўлда энг аввал ўзи ўрнак бўлишга киришганини кўрсатади.

Навоий бир шоирнинг шеъриятга кириб келишида устознинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини таъкидлайди. Ёш ижодкорларга ўзларининг ёзган ижод намуналарини ўқитиш, устида таҳрир ишларини олиб бориш учун туркийнавис устозларнинг йўқлиги учун ҳам улар форсийда ёзишни афзал билишларини “оқлагандек” бўлади [19: 70].

Шунингдек, унинг ўз даври адабий муҳити, хусусан, зуллисонайнлик масаласида билдирган илмий қарашлари XV асргача бўлган давр туркий ва форсий адабиёт тарихини ўрганишда муҳимдир: “Дунёнинг баъзи иқлим ва ўлкасида сарт подшоҳлари мустаҳкам бўлганидан кейин шу муносабат билан форсийгўй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Зоҳир ва Салмон; маснавийда фан устози Фирдавсий, замоннинг нодири Шайх Низомий ва ҳинд ҳунарманди Мир Хусрав; ғазалда ўз замонининг ижодкори Шайх Муслиҳиддин ва асрнинг ягонаси Хожа Ҳофиз Шерозий сингарилар етишди. ... Сарт подшоҳларидан ҳам султон Турғул ва Шоҳ Шижодек юқори қадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангдор байтлар, ширин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машҳур бўлди ва турмушлари варақларида ёзилди. Мамлакат араб ва сарт султонларидан турк хоқонларига ўтганидан сўнг, Халагухон замонидан сўнгра султон Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидан тортиб фарзанди Шоҳрух султон замонининг охиригача турк тилида ёзувчи шоирлар, шу

жумладан, ул ҳазратнинг авлодларидан ҳам хуштаб подшоҳлар пайдо бўлдилар” [19: 81]. Форс шеърияти равнақи манбаини форс подшоҳлари, туркий шеърият ривожини туркий султонлар юритган сиёсатнинг натижаси сифатида баҳолаган Навоий, туркий адабиёт, девончилик анъаналарининг ривожи бевосита Султон Ҳусайн сиёсати натижасида юз берган деб ҳисоблайди: “... Ҳар илмда фойдали асарлар, ҳар фанда натижали ёзишмалар яратилди, қизиқ китоблар ва ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий каби шеър турлари юзага чиқди ва ҳамма ёққа ёйилди. Ўзлари ҳам (Султон Ҳусайн назарда тутиляпти – *О.М.*), гарчи ҳам форсий, ҳам туркий тилида айтмоққа қодир бўлсалар-да, аммо асл табларининг тортиши ва шу тилнинг тарқалган бўлиши муносабати билан туркий тилда девон яратишга майл қилдилар ...” [19: 83]. Ушбу маълумотларга таяниб, XV аср Хуросон адабий муҳитида форсий адабиёт инерцияси кучли бўлгани, ушбу доимийлик сарой шеърияти аҳамияти билангина туркийга секин-аста ўрин бўшатган дейиш мумкин.

“Туркий адабиётда шеърларини жамлаб девон ҳолига келтирган шоирлардан биринчиси Бурҳониддин Сивасийдир (XIV аср). Кейин туркий шеъриятда Ҳофиз Хоразмий (XIV асрнинг 2-ярми – XV асрнинг 30–40 йй.) девон тартиб берди. Адабиётшуносликда фақат ғазалиётдан иборат бўлишига қарамай, Сайфи Саройининг (1321–1398) шеърий тўпламини ҳам девон деб санайдилар. Атоий (XV аср) ҳам девон тузгани ҳақида маълумотлар бор, лекин унинг девони бизга етиб келмаган. Саккокий (XV аср) ҳам девон тузган” [43: 60]. Мазкур шеърий тўпламлар туркий девончилик бошланишидаги маълум босқичлар бўлиб, баъзи талабларга жавоб беришда оқсар эди. Хусусан, араб алифбосининг барча ҳарфларига якунланувчи шеърларнинг мавжуд эмаслиги, мумтоз шеъриятнинг барча жанрларига тегишли шеърларнинг топилмаслиги ва бошқа камчиликлар.

Форсийгўй шоирларга рақобатбардош туркийгўй шоир сифатида ёлғиз мавлоно Лутфий (1366–1465) ижодини келтиради [19: 81]. Дарҳақиқат, туркий девончилик анъаналарини нисбатан форсий тилли девонлар даражасига кўтарган шоир Мавлоно Лутфий эди. Мутахассислар унинг девонлари нусхаларини ўзаро қиёсий ўрганиш натижасида муаллиф ўз девонини беш марта таҳрирдан ўтказган, деб хулоса қилган [43: 60–61]. Бу ҳолат Лутфийнинг ўз ишига масъулият билан ёндашгани, ижод намуналарини доимий таҳрир қилиб борганини кўрсатади.

Навоийга эса, девонини (ёки девонлари) шунчаки шеърларининг алифбо тартибида кетма-кет келиши билан кифояланмасдан, балки ўзаро фалсафий мазмунда боғланган бошланиши, таркиб ва якунланишига ҳам эътибор қаратган. Зеро, унинг ўқувчиси шоир асарлари замирида муаллифнинг туркий адабиёт жанрлар қамровини миқдор жиҳати билан форсийга тенглаш мақсадигина эмас, мазмун жиҳати билан ҳам орқада қолмаслик ғояси ётганини англаши мушкул эмас. Айни шу мақсаддан келиб чиқиб Алишер Навоий дастлабки девони “Бадойиъ ал-бидоя”ни тартиб берган дейиш мумкин. Бу девон шоир шеъриятининг ўсмирлик ва йигитлик лирикасини жамлагани ҳолда муаллиф ўзининг илк девонига берган катта эътибори натижасида юзага келгани билан аҳамиятлидир. Ҳатто, девон дебочаси – сўзбошисига ҳам жиддий иш сифатида қарайди. Адабиётшунос А. Абдуғафуровнинг (1931–2005) таъкидлашича, Навоий девонларига дебоча ёзар экан, фахрия санъатининг ўзига хос бир кўринишини яратганки, буни буюк шоирнинг усталик билан қўллаган бадиий усули сифатида тушуниш керак. Ушбу усул:

а) ҳукмдорнинг инсоний фазилатларини мадҳ этиш, шеърият аҳлига ҳомийлигини, мурувват соҳиби эканини, лутфу эҳсонини намойиш қилиш;

б) ўзининг Султонга яқинлигини, унинг қошида ижодкор сифатида катта қадр-қимматга, обрў-эътиборга эришганини, шеъриятнинг ҳукмдор томонидан эъзозланишини ва муҳофаза этилишини ишонарли кўрсатиш имконини берган [4: 3–10].

Хусусан, “Бадойиъ ал-бидоя” дебочасида шундай мисралар келтирилган: “Ва лекин хотиримға келмаским, бу паришон абётни жамъ қилмоқ хотиримға келмиш бўлғай ва кўнглумга кечмаским, бу пароканда ашъорға тартиб бермак кўнглумга кечмиш бўлғай. Агарчи, аларким ахасси асҳоб ва ааззи аҳбоб эрдилар, кўп қатла бу иш иртикобиға илтимос ва таклиф қилур эрдилар ...” [15: 10]. Матндан англашилганидек, Султон Ҳусайннинг бевосита ўзи Навоийга шеърларини жамлаб, девон тартиб этишини илтимос қилмоқда. Ҳақиқатан, бу матнда Навоий Султон Ҳусайннинг адабиётга ошно фазилатли шоҳ эканини мадҳ қилиб, ўзининг ижодига нисбатан бефарқ эмаслигини кўрсатган. Агар Навоийнинг “Муҳокамат ал-луғатайн”да ёзган туркий тил ва адабиёт равнақи ҳақидаги қарашларини ҳисобга олсак, дебочадан олинган ушбу

матнда умуман туркий адабиётнинг мамлакат подшоҳи ҳимоясида экани, унинг ривожи давлатнинг биринчи даражали кишиси диққат марказида турганини ифода этиш мақсади ҳам ётган бўлиши мумкин. Нега деганда, девон ҳолига келтирилиши таклиф, ҳатто илтимос қилинаётган шеърлар хусусан олганда, бир шоир – Навоийники бўлса-да, умуман олганда туркий адабиёт намуналари эди.

Аслида, Шарқ тарихнавислиги, адабий-бадиий ижодкорлиги тарихида бирор асарни ёзаётган муаллиф уни ўша замоннинг машҳур кишиларидан бирининг таклиф ва илтимосига кўра яратаётганини билдириб кетиш ҳоллари кўп учрайди. Бу ҳолат Алишер Навоийдан аввал ҳам, кейин ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) “Ҳиндистон” асари сўзбошисида шундай қайдлар мавжуд: “Устоз Абу Саҳл ал-Мунъим ибн Али ибн Нуҳ ат-Тифлисий (Аллоҳ уни ёрлақасин!) дин ва миллатлар ҳақидаги китобларни қайтадан мутолаа қилиб, улардаги ҳолатни билгач, ҳиндлар таълимотига қарши чиқмоқчи бўлган кишига ёрдам ва уларга аралашиб юрадиган кишиларга ҳужжат ва захира бўлиши учун ҳиндлардан аниқлаб ўрганганларим ҳақида ёзишга қизиқтириб, илтимос қилди” [6: 44]. Мазкур асар ноширлари бу каби илтимосларни ўша даврдаги асар ёзишнинг ўзига хос стилистик усули сифатида талқин этадилар [6: 412].

Профессор Ҳ. Сулаймон докторлик диссертациясида “Бадойиъ ал-бидоя”нинг ўша кезларда маълум бўлган тўрт нусхасига (Париж, Лондон, Боку, Тошкент) батафсил тўхталган [44: 63–70]. 2018–2022 йилллар ичида бу асарнинг муаллиф ҳаётлиги даврида кўчирилган яна тўртта нусхаси аниқланди [23: 438–466; 33: 209–218; 46: 57–62; 47: 52–57]. Шу тариқа, “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Навоий даврида китобат қилинган саккизта санали қўлёзмаси мавжудлиги маълум бўлди [7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14]. Булар қуйидаги нусхалардир:

1. **Париж нусхаси**. Франция Миллий кутубхонаси, № 746. 885/1480–81 йил.
2. **Лондон нусхаси**. Британия музейи, № 401. 887/1482–83 йил.
3. **Теҳрон нусхаси**. Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, № 14197. 888 йил, сафар ойи /1483 йил март–апрель.
4. **Боку нусхаси**. Озарбайжон Республикаси Қўлёзмалар институти, № 3010. 889/1484 йил.

5. **Истанбул нусхаси**. Туркия, Сулаймония кутубхонаси, Ая София № 3981. 889/1484–85 йил, Ҳирот. Кўчирувчи: Султонали Машҳадий.

6. **Тошкент нусхаси**. Ўзбекистон Фанлар академияси давлат Адабиёт музейи, № 216. 891/1486 йил, Ҳирот. Кўчирувчи: Али ибн Нур.

7. **Машҳад нусхаси**. Остони Қудси Разавий кутубхонаси, № 4783. Жумоди II, 896/1491 йил март-апрель. Кўчирувчи: Дарвеш Муҳаммад Тоқий.

8. **Техрон II нусхаси**. Эрон Миллий кутубхонаси, № 1082924. 906/1500–01 йил.

А. Эркинов фикрига кўра, “қўлёзмалардан олтитаси 1480–1486 йиллар орасида кўчирилган” [47: 51–57]. Афтидан, 1486 йилгача Навоийнинг иккинчи девони “Наводир ан-ниҳоя” (“Ниҳоясиз нодирликлар”) тузилмаган кўринади. Машҳад ва Теҳрон II қўлёзмаларининг 1491, 1500–1501 йилларда кўчирилгани эса Ҳирот адабий муҳитида гарчи шоирнинг кейинги давр шеърияти аллақачон девонлар ҳолига келтирилган бўлса-да[1], дастлабки лирикасига бўлган эътиборнинг сусаймаганини англатади. Зотан, Навоий мухлислари томонидан яратилган кўпгина “Терма девон” қўлёзмаларининг асосий таркиби ҳам “Бадойиъ ал-бидоя” шеърларини ташкил этади [батафсил қаранг: 35: 120–128].

Асарнинг юқоридаги қўлёзмалари таркиби ва шеърлари мундарижасига кўра ўзаро фарқлидир. Аммо уларнинг барчаси бир хил бошланиш ва айни якунланишга эга. Улар

اشرقت من عکس شمس کائس انوار الهدا
یار عکسین میدا کور دیب جام دین جقتی صدا

ғазали билан бошланиб, қуйидаги фарди билан якунланади:

سیل یولیدا فنا دشتیدا مژکانیم اماس
کوز الاچوقلاری نینک دود بیکان اوقلاری دور.

Ҳ. Сулаймонов “Бадойиъ ал-бидоя” таркибидаги жанрлар ҳақида шундай ёзади: “Тўрт қўлёзма ҳақидаги жадвалда акс этганидек[2],

[1] Бунда Алишер Навоийнинг туркий шеърлари асосида “Бадойиъ ал-бидоя”дан сўнг яна шоирнинг ўз мусаннифлигида тартиб берилган “Наводир ан-ниҳоя” ва тўрт девон – “Ғаройиб ас-сиғар” (“Болалик ажойиботлари”), “Наводир аш-шабаб” (“Йигитлик даври нодирликлари”), “Бадойеъ ал-васат” (“Ўрта ёш кашфиётлари”), “Фавоид ал-кибар”дан (“Кексаликдаги фойдали мулоҳазалар”) иборат “Хазойин ал-маоний” (“Маънолар хазинаси”) девонлар мажмуаси назарда тутилмоқда.

[2] Олим бунда докторлик диссертацияси 68-бетидаги 1-жадвални назарда тутган.

Париж қўлёзмасидан ташқари қолган нусхаларнинг жанрий таркиби бир-бирига мос келади ва бу 11 жанр муаллифнинг ўзи қайд этган жанр номларига ҳам мувофиқдир. Фақат бизга номаълум сабабга кўра, Париж нусхада шеърий жанрлардан 6 таси (мухаммас, мусаддас, қитъа, мустазод, муаммо, таржиъбанд) етишмайди. Лондон, Боку ва Тошкент нусхаларига янги шеърларнинг қўшилиб бориши, бизнинг фикримизга кўра, улар шоирнинг "Бадойиъ ал-бидоя" тузилиб бўлгач, янги ёзган шеърларини қўшиб бориш ҳисобига амалга ошган" [44: 69].

Профессор М. Имомназаров билан оғзаки суҳбатларимиз чоғида олим Навоийнинг "Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-ҳудо" матлали ғазалини ва "Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт" мисраси билан бошланувчи таржиъбандини ёзмагунга қадар девон тузиш ишини ҳам ортга сурган бўлиши мумкин"лигини таъкидлади. "Илк девон" ва "Оққўюнли мухлислар девони" қўлёзмалари "Ашрақат ..." билан бошланмаслиги, умуман, ушбу ғазалнинг мазкур девонларда мавжуд эмаслиги эътиборга олинса, ушбу фаразлар ҳақиқатга яқин экани ойдинлашади. Шунингдек, "Бадойиъ ал-бидоя"нинг ҳозирга қадар маълум илк нусхаси – Париж қўлёзмасида "Кетур соқий ..." таржиъбандининг мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, Навоий ушбу шеърий асарини яратгач, дастлабки девонининг таркибига ўзгартириш киритган ва уни тобора сайқаллаб борган дейиш мумкин. Зеро, М. Имомназаров таъкидлаганидек (оғзаки суҳбатда), "Ашрақат ..." ғазали ўзининг фалсафий бой мазмуни билан "Бадойиъ ал-бидоя"нинг ўзига хос бошланишини таъминлаган бўлса, "Кетур соқий ..." таржиъбанди ушбу девондаги умумий композициянинг оригинал якуни бўла олади.

Қуйидаги жадвалда "Бадойиъ ал-бидоя" девонининг кўчирилиш санаси мавжуд саккиз қўлёзмасининг жанрий таркиби тақдим этилади.

1-жадвал

“Бадойиъ ал-бидоя” девони санали саккиз қўлёзмаси шеърий жанрлар миқдори кўрсаткичи[1]

Жанр номлари	Париж нусха	Лондон нусха	Теҳрон нусха	Боку нусха	Истанбул нусха	Тошкент нусха	Машҳад нусха	Теҳрон II нусха
Ғазал	731	571	606	603	480	657	630	424
Мустазод	–	3	3	3	–	3	3	1
Мусаддас	–	2	2	2	–	2	2	1
Мухаммас	–	4	4	5	–	5	5	2
Таржиъ-банд	–	3	3	3	–	3	3	1
Қитъа	–	41	50	41	23	41	49	13
Рубоий	37	78	78	62	68	83	82	31
Чистон/ луғз	1	10	10	10	10	10	10	9
Муаммо	35[2]	52	52	52	52	52	52	–
Туюқ	4	10	10	10	3	10	10	10
Фард	23	42	51	48	16	50	53	19
Жами:	**831**	**816**	**869**	**839**	**652**	**916**	**899**	**511**

Ўз пайтида Ҳ. Сулаймон шундай ёзган эди: “Макорим ал-ахлоқ” (“Олижаноб хулқлар”), “Бобурнома”, муаллиф асарларига тузилган “Абушқа” луғати, турли йилларга оид баёзларда шоирнинг лирикаси ҳақида гап кетганда одатда унинг “Ғаройиб ас-сиғар” (“Болалик ажойиботлари”), “Наводир аш-шабоб” (“Йигитлик даври нодирликлари”), “Бадойиъ ал-васат” (“Ўрта ёш кашфиётлари”) ва “Фавойид ал-кибар” (“Кексалик фойдалари”) девонлари ёки уларнинг умумий номи “Хазойин ал-маоний” эсга олинади. Шунингдек, форсий шеърлари жамланмаси “Девони Фоний” ҳам эсланади. Дастлабки девонлар “Бадойиъ ал-бидоя” ва “Наводир ан-ниҳоя” ҳақида эса илмда муаллифнинг қайдларидан бошқа ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас. Бу девонларнинг қўлёзмалари воқеликда мавжуд эканига қарамай, ҳеч ким ўрганмаган ва билмаган” [44: 79].

[1] 2018 йилда “Бадойиъ ал-бидоя”нинг ўша кезларда мавжуд 6 қўлёзмасига таянилиб, юқоридаги каби жадвал тақдим этилган [52: 59].

[2] Кўриниб турганидек, Париж нусхасида муаммо жанрига оид 35 та шеър мавжуд. Номаълум сабабга кўра, Ҳ. Сулаймон ушбу нусхада мавжуд бўлмаган шеърий жанрлар қаторида муаммони ҳам санаб ўтган [49: 69].

Дарҳақиқат, кейинги аср манбалари, шунингдек, янги замон феҳрист ва каталогларида ҳам шоирнинг туркий девонлари “Девони Навоий” тарзида келади. Бизнингча, адабий ва тарихий соҳадаги турли қўлёзма асарларда “Бадойиъ ал-бидоя” ва “Наводир ан-ниҳоя” девонларининг эсланмагани ёки ўрганилмагани Навоийнинг ўзи томонидан таъкидланганидек, “Ва икки мураттаб бўлған девонлардин янги айтилған абёт адади аксар ва ҳар байти лафзу маъно била даржлиғ гавҳар демайким шуълалиғ озар; ... алфозу иборат хазойини ҳамул маънолар гавҳаридин тўлди, бу маънодин анинг отин “Хазойин ул-маоний” қўюлди” [22: 9, 14], яъни “Хазойин ал-маоний”га шоирнинг девонлар мажмуаси тузилгунигача ёзилган деярли барча шеърларининг киритилгани билан изоҳлаш мумкин.

Умрининг поёнига яқин ёзилган “Муҳокамат ал-луғатайн”да (905/1499 й.) муаллифнинг ўзи туркий девонлари ҳақида сўз кетганда “Ғаройиб ас-сиғар”, “Наводир аш-шабоб”, “Бадойиъ ал-васат” ва “Фавойид ал-кибар” девонларини ёдга олади, аммо улардан аввал тузгани икки девон – “Бадойиъ ал-бидоя” ва “Наводир ан-ниҳоя”ларни эсламайди. Балки туркий девонлари эсланганда “Хазойин ал-маоний” номини келтириш билан чекланиш анъанасини муаллифнинг ўзи бошлаб берган бўлиши мумкин.

Замонавий феҳрист ва каталогларда шоир туркий девонларининг “Девони Навоий” номи билан тавсиф этилиши уларнинг таркибини синчиклаб ўрганмагунга қадар айнан қайси девон эканини аниқлашнинг имкони йўқлиги сабаб каталогизаторлар томонидан умумий бир номда тавсифлаш маъқул кўрилган [бу ҳақда батафсил қаранг: 42: 17; 35: 679].

Шунингдек, юқоридаги икки ҳолатни изоҳлаши мумкин бўлган яна бир факт мавжуд. Навоий девонлари қўлёзмаларининг колофонларида улар “умумийроқ” номланади. Бу эса шоир лирикаси ўрганилиши тарихига жиддий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, колофонлар матни билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар бизни шундай ўйлашга чорлади.

Одатда колофонларда котиблар “تمت الكتاب بعون الملک الوهاب” (Инъом қилувчи Оллоҳ ёрдами билан бу китоб [кўчирилиб] битди) ёки “ شد بتوفیق خدای لا ینام ان کتابت روز ... تمام” (Бу китоб уйқоқ Оллоҳнинг ёрдами билан ... куни (кўчирилиб) тугади) дея кўчирилган китобнинг номини ёзмайдилар.

Баъзан эса “تمت هذه النسخة الشريفة الكتابة امير علشير الملقب بالنوايى” (Навоий тахаллусли Амир Алишер қаламига оид ушбу қадрли нусха [кўчириб] тугатилди) ёки “تمت التمام بو نسخهٔ شريف مسمى بامير نوايى” (Амир Навоий қаламига оид ушбу қадрли нусха [кўчириб] тамомланди) каби кўчирилган китоб номи “умумийлаштирилади”.

Шоир қўлёзма девонларининг хотимасида камдан-кам ҳолларда “... دفتر اول نوايى كيم غرايب الصغر بيله موسوم ايردى” – “Навоийнинг илк дафтариким, “Ғаройиб ас-сиғар” [номи] билан аталган эди” ёки “ نوايى نينک اوچلانچى ديوانى كيم بدايع الوسط بيله موسوم ايردى” – “Навоийнинг учинчи девониким, “Бадойиъ ал-васат” [номи] билан аталган эди” каби жумлаларда китоб номи аниқ кўрсатилган қайдларни ўқиймиз. Яъни айтмоқчимизки, котиблар Навоий девонларидан бирини кўчираётиб, унинг аниқ номини қайд этмасликлари одатий бўлган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам “Бадойиъ ал-бидоя” ва “Наводир ан-ниҳоя” девонларининг номи манбаларда ёдга олинмай келган.

Фанда “Бадойиъ ал-бидоя”нинг айнан қайси йилда тартиб берилгани борасида турли баҳслар мавжуд. Ҳ. Сулаймон уни 1469–1485 йиллар орасида тузилган, деб ҳисоблаган. Олим “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Навоий яшаган даврда маълум бўлган тўрт нусхаси ҳақида шундай ёзган: “Ушбу тўрт нусха “Бадойиъ ал-бидоя” девони экани тўлиқ асосли. Биринчидан, ҳар тўрт нусханинг жанрий таркиби бир-бирини айнан такрорлайди; иккинчидан, уларнинг таркибидаги жанрий ўхшашлик муаллифнинг ушбу девон дебочасида ёзган сўзларига мос келади; учинчидан, ушбу нусхаларнинг ҳар тўрталасида айнан биринчи девон – “Бадойиъ ал-бидоя”нинг дебочаси мавжуд[1]” [44: 66].

А. Турдиалиев ва А. Эркинов “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Париж нусхаси унинг протодевони бўлиши мумкинлиги” масаласини кун тартибига қўяди. Олимлар ушбу қўлёзманинг ҳозиргача аниқланган энг эски нусха экани ва унда бошқа нусхаларга қараганда жанрлар миқдорининг камлиги каби масалаларни фаразларининг далили сифатида келтирадилар [46: 61]. Уларнинг юқоридаги масала бўйича билдирган фикрларига қўшиламиз. Қолаверса, “Кетур соқий ...” каби Навоий йигитлик лирикасининг энг сара шеърларидан бири

[1] Ҳ. Сулаймон “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Боку нусхасида дебоча йўқлигини диссертацияснинг 68-саҳифаси 1-жадвалда берган. Номаълум сабабга кўра, бу ўринда ҳар тўрт нусхада дебоча мавжуд каби маълумот берилган.

ҳисобланган таржиъбанднинг Париж нусхасида мавжуд эмаслиги ҳам ушбу қўлёзма “Бадойиъ ал-бидоя”нинг протодевони эканини далиллайди, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бир қўлёзма тақдирини биргина шеърга боғлаш бироз ноўриндек туюлиши мумкин. Аммо баъзан бир шеър бирор шоир ижодининг бутун моҳиятини ўзида акс эттириши ҳам мумкин. Ўрта асрлар мумтоз шоирлари ижоди мисолида бунга кўплаб далиллар мавжуд.

Тадқиқотлардан Теҳрон II қўлёзмаси бошқа нусхаларга нисбатан нотўлиқ экани маълумдир [23: 438–466]. Янги аниқланган Машҳад нусхаси таркибини ўрганиш натижаси унинг Тошкент нусхасидан китобат қилинганлик эҳтимолини кўрсатмоқда. Умуман, “Бадойиъ ал-бидоя” асарининг санали саккиз қўлёзмасини мавжудлиги навоийшунослик тарихида катта ҳодиса ҳисобланади. Бу қўлёзмалар Навоий лирикаси такомил босқичларини ўрганиш йўлидаги муҳим манбалар сифатида қимматлидир.

Маълумки, 1987 йил “Бадойиъ ал-бидоя”нинг табдил матни нашр этилган [15: 689]. Сўзбошисида матнга “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг Тошкент қўлёзма нусхаси (инв. № 216) асос қилиб олингани ва “Унинг матнини “Бадойиъ ал-бидоя”нинг қадимий нусхалари, жумладан, Париж миллий кутубхонасида инв. № 746 билан сақланувчи 1480 йилда кўчирилган қўлёзма ҳамда Британия музейидаги № 401 инвентарига эга бўлган 1482 йилда кўчирилган қўлёзмалар фотонусхалари билан солиштириб” чиқилгани ҳақида маълумот берилган [15: 5]. Бизнингча, ушбу нашр “Бадойиъ ал-бидоя”нинг кейинги аниқланган янги нусхалари таркиби билан қиёсий ўрганилиб, тўлдирилган ҳолда қайта чоп этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ихлосмандлари томонидан тузилиб, “Илк девон”, “Оққўюнли мухлислар девони” тарзида шартли номланган қўлёзма асарлар ҳали муаллиф девон тузмаган бир паллада тартиб берилганлиги билан катта аҳамиятга эга. Бундай эътироф Шарқ адабиёти тарихида саноқли шоирга насиб этган. Аммо масалага иккинчи томондан қаралганда уларнинг тузилиши туркий девончилик тарихидаги биринчи босқичлар бўлиб, Навоийнинг талабига кўра форс мумтоз шоирлари девонларига назира бўла олмас эди. Аниқроқ айтганда, мухлисларнинг ёндашувига асосланган таркибий тузилиш форс тилли шеърият

намуналари жамланган сара девонлар билан беллаша олмасди. “Бадойиъ ал-бидоя” ана шу шароит тақозоси ўлароқ яратилди, дейиш мумкин. Шу маънода, бу асарни Навоийнинг ўзи томонидан тузилган илк девон экани билан бирга, шоирнинг форс тилли девонларга биринчи жавоби сифатида қабул қилиш мумкин.

“Бадойиъ ал-бидоя” муаллиф томонидан тобора мукаммалаштирилиб, сайқаллаштирилган. Ушбу девоннинг Навоий ҳаётлиги чоғи кўчирилган дастлабки нусхалари кейин китобат қилинганларига кўра таркиб жиҳатидан фарқланиши фикримизнинг далили бўла олади. Ҳатто, фалсафий мазмунга бой баъзи ижод намуналари айнан шу девонни маромига етказиш йўлида яратилган бўлиши мумкин. Сабаби, муайян шеърлар алоҳида ҳолда маълум жанрдаги мустақил асарлар бўлса-да, “Бадойиъ ал-бидоя” таркибида умумий композициянинг бир қисми вазифасини бажарган. Бу эса Навоийнинг ўзи томонидан тузилаётган дастлабки девони умумий тузилишининг энг муҳим нуқтаси сифатида муаллиф учун алоҳида мазмун касб этган.

Навоий ушбу девонига махсус дебоча ёзиши натижасида туркий тилли шеърият асосида мукаммал девон яратиш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Шунингдек, ушбу дебочада баён қилинган кўпгина битиклар мумтоз адабиётимиз тарихидаги ўзига хос фахрия услуби намуналари бўла олади. Бундан кўзланган мақсадлардан бири муаллифнинг сарой муҳитидаги обрўси юксаклигини, унинг шеърлари Султон Ҳусайннинг назари тушган ижод намуналари эканини кўрсатиш бўлса, яна бири бўлажак тахт ворисларига агар сиёсат даражасида эътибор қилинса, туркий тил ва адабиётнинг имконияти бошқа тилларда эришилган шуҳратдан қолишмаслигини таъкидлаш, қолаверса ўргатиш эди.

“Бадойиъ ал-бидоя”ни мазмун ва тузилишига кўра форс мумтоз адабиёти намуналари жамланган девонлар билан рақобатлаша оладиган илк туркий девон саналади, дейиш мумкин. Бизнингча, манбаларда “Бадойиъ ал-бидоя” номининг учрамаслиги ушбу девон таркибидаги шеърларнинг Навоий лирикаси умумий кўринишида “Хазойин ал-маоний” девонларидан жой олгани билан изоҳланади. Лекин шоирнинг кейинги девонлари тартиб берилган тақдирда ҳам “Бадойиъ ал-бидоя”нинг қайта-қайта китобат қилингани мазкур девоннинг туркий девончилик тарихидаги аҳамиятини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуғафуров А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1989. № 4. Б. 3–9.
2. Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари (биринчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4–6. Тошкент, 1994. Б. 9–16.
3. Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. Тошкент, 1995. Б. 10–18.
4. Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари (учинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6. Тошкент, 1998. Б. 3–10.
5. Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. Тошкент, 2000. Б. 3–11.
6. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II том. Тошкент, 2022.
7. Алишер Навоий. “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Баку нусхаси. Озарбайжон БА Қўлёзмалар институти, № 3010. 889/1484 й.
8. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Истанбул нусхаси. Туркия, Сулаймония, Ая София № 3981. Ҳирот, 889/1484–85 й. Кўчирувчи: Султонали Машҳадий.
9. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Лондон нусхаси. Британия музейи, № 401. 887/1482–83 й.
10. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Машҳад нусхаси. Китобхонайи Остони Қудси Разавий, № 4783. Жумоди I, 896/1491 й. март-апрел. Кўчирувчи: Дарвеш Муҳаммад Тоқий.
11. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Париж нусхаси. Франция миллий кутубхонаси, № 746. 885/1480–81 й.
12. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Теҳрон нусхаси. Ислом шўро мажлиси кутубхонаси, № 14197. 888 йил сафар ойи / 1483 йил март-апрель.
13. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Теҳрон II нусхаси. Эрон миллий кутубхонаси, № 1082924. 906/1500–01 й.
14. Алишер Навоий. “Бадойиъ ул-бидоя”нинг Тошкент нусхаси. ЎзР ФА АдМ, № 216. Ҳирот, 891/1486 й. Кўчирувчи: Али ибн Нур.
15. Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя / Текстни тузувчи: Ш. Шарипов. МАТ. Йигирма томлик, биринчи том. Тошкент, 1987.

16. Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри / Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймон. Тошкент, 1968.
17. Алишер Навоий. Куллиёт. Тўпқопи кутубхонаси, Реван фонди: № 808. Ҳирот, 901/1496–97. Кўчирувчи: Дарвеш Муҳаммад Тоқий.
18. Алишер Навоий. Муҳокамат ал-луғатайн. Франция миллий кутубхонаси. № Supl. Turc. 317. Кўчирувчи: Али Ҳижроний (Қ. Содиқов нашрига илова қилинган факсимиледан фойдаланилди).
19. Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн / Қ. Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. Тошкент, 2017.
20. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри / Нашрга тайёрловчи: А. Эркинов. Tokyo, 2015.
21. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, № 5018. 889/1484 й.
22. Алишер Навоий. Хазойинул маъоний – Ғаройибус-сиғар / Қиёсий матнни тузувчи, сўзбоши ва иловалар муаллифи: Ҳ. Сулаймонов. Тўрт томлик. Биринчи том. Тошкент, 1987.
23. Болтабаев С. Навоий девонининг шоир ҳаётлигида кўчирилган янги топилган нусхаси ҳақида // Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси (халқаро симпозиум материаллари). Тошкент, 2022. Б. 438–466.
24. Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи / Под ред. К. Боровкова. Москва–Ленинград, 1946. С. 203–235.
25. Жўрабоев О. Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. Тошкент, 2016. Б. 32–38.
26. Имомназаров М. XXI аср: Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. Тошкент, 2021.
27. Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. Тошкент, 2017. Б. 6–10.
28. Имомназаров М. Мусулмон минтақа маданияти ривожида “мажоз тариқи” босқичи. 2-китоб. Алишер Навоий. Тошкент, 2022.

29. Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. Тошкент, 2018. Б. 12–17.
30. Куделин А.Б. Алишер Навои – родоначальник узбекской литературы (К 575-летию со дня рождения) // Известия РАН. Серия литературы и языка. 2016. Том 75, No4. С. 5–11.
31. Куделин А.Б. Алишер Навоий – ўзбек адабиёти асосчиси (Навоий таваллудининг 575 йиллигига) / Journal of Central Asian Renaissance. 2021. Special Issue 1. Pp. 33–41.
32. Мадалиева О. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девони ва унинг қўлёзмалари // Профессор Ҳамид Сулаймон номидаги ёш матншуносларнинг илмий-амалий республика конференсияси материаллари тўплами. Тошкент, 2023. Б. 6–11.
33. Мадалиева О. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг Машҳад қўлёзмаси// Алишер Навоий ва XXI номли халқаро илмий-амалий конференсияси материаллари. Тошкент–Боку, 2023. Б. 209–218.
34. Мадалиева О. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг ўрганилиш тарихи // Алишер Навоий ва XXI номли халқаро илмий-амалий конференсияси материаллари. Тошкент–Бурса, 2023. Б. 400–408.
35. Мадалиева О. Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларининг таркибий-қиёсий тадқиқи. Тошкент, 2021.
36. Нагиева Ж. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку, 1986.
37. Рамазонов Н. Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2006/1. Б. 17–23.
38. Рамазонов Н. Яна “таҳрирни таҳрир” масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2007/1. Б. 78–89.
39. Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. Тошкент, 2004.
40. Салоҳий Д. Таҳлил ва талқин масъулияти // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2006/1. Б. 74–78.
41. Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. Ташкент, 1935.
42. Сирожиддинов Ш., Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-жилд. Тошкент, 2016. Б. 8–30.

43. Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. Тошкент, 2017.
44. Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои / В трех томах. Том I. Ташкент–Москва, 1955–1961.
45. Тоутант М. Тақлид образи шарқшунослик кўзгусида // Journal of Central Asian Renaissance. 2021. Special Issue 1. Pp. 42–59.
46. Турдиалиев А., Эркинов А. “Бадойиъ ал-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484–1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. Тошкент, 2018. Б. 57–62.
47. Эркинов А. «Бадойиъ ал-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. Тошкент, 2018. Б. 51–57.
48. Эркинов А. В.В. Бартольд нега Навоийни таржимон ва тақлидчи деб ҳисоблади? // Алишер Навоий ва Шарқ ренессанси (халқаро симпозиум материаллари). Тошкент, 2022. Б. 132–158.
49. Эркинов А. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига муносиб туҳфа: Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”сининг саккизинчи нусхаси аниқланди. https://uza.uz/posts/404047
50. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961.
51. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент, 1983.
52. Ali Şîr Nevâyî. Bedâyiü’l-bidâye / Hazırlayan: Vahit Türk, Jabbor Eshonkul. İstanbul, 2023.
53. Birnbaum E. Ottoman Turkish and Chaghatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Nava’is Divan in Ottoman Orthography // Central Asiatic Journal. 1976, XX. Pp. 157–190.
54. Eckmann J. Nevai’nin ilk divanları üzerine // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten, 13. Ankara. 1970. S. 253–262.
55. Juraboyev O. Kitabet Sanatının Bir Örneği Olarak Ali Şir Nevayi'nin “Bedayiü’l-Bidaye” Divanının Taşkent Nüshası. // Uluslararası Beşeri Bilimler ve Sanat Dergisi. Cilt / Volume:1. Boku, 2020. S. 14–27.
56. Levend A. Türkiye kitapliklarindaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. Ankara, 1958. S.127–209.

57. Subtelny M. Mir ‘Ali Shir Nawa’i // Encyclopedie de l’Islam. 2e edition, vol. VII. Leiden–Paris, 1993. P. 90–93.

О. Мадалиева

“Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида

Туркий адабиёт тарихида Алишер Навоийдек (1441–1501) шоирнинг майдонга келишини алоҳида ҳодиса, шоирнинг ўз шеърларини жамлаб, “Бадойиъ ал-бидоя” девонини тузганини алоҳида ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Боиси Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилган “Бадойиъ ал-бидоя” девоничалик композицион иш ҳали яратилмаган эди. Туркий девончилик тарихида дебоча илова қилиш анъанаси айнан “Бадойиъ ал-бидоя”дан бошланди. Ушбу девоннинг аввалида “Ашрақат мин акси шамси-л-каси анворил ҳудо” мисрали катта фалсафий маъно ташувчи ғазалнинг келиши, унда “Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт” мисраси билан бошланувчи таржиъбанднинг мавжудлиги алоҳида композицион асарлар – шеърлардан ташкил топган девоннинг гўзал сюжетини ҳосил қилган дейиш мумкин.

“Бадойиъ ал-бидоя” Навоий шеъриятининг ўсмирлик ва йигитлик лирикасини ўзида ташиётгани ва муаллиф ўзининг илк девонига берган катта эътибори натижасида юзага келгани билан ҳам аҳамиятлидир. “Бадойиъ ал-бидоя” девони қўлёзмалари ҳақида бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. “Бадойиъ ал-бидоя”нинг янги аниқланган қўлёзмалари таркиби аввал маълум бўлганлари билан қиёсий ўрганилиши натижасида ушбу девоннинг тузилиши масаласида ишончли хулосалар ўртага чиқиши мумкин. Мазкур тадқиқотда “Бадойиъ ал-бидоя” девони туркий адабиёт тарихида муҳим ҳодиса сифатида параллел яратилган бошқа девонлар билан қиёсий ўрганилади.

Калит сўзлар: *Алишер Навоий, Бадойиъ ал-бидоя, қўлёзма, девон, девончилик анъаналари, дебоча, жанр, ғазал, таржиъбанд, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.*

О. Мадалиева

Создание дивана «Бадайи‘ ал-бидайа» – важное событие в истории поэзии Алишер Навои

В истории тюркской литературы появление такого поэта, как Алишер Навои (1441–1501), и составление его стихов, в результате которого был создан сборник, известный как «Бадайи‘ ал-бидайа», являются важным событием. Поэтому такое композиционное произведение, как «Бадайи‘ ал-бидайа», созданное самим Навои, еще не было. В контексте тюркского деванизма традиция включения предисловия началась с работы «Бадайи‘ ал-бидайа». Сопоставление внутри этого дивана глубокой газели со стихом «*Ashraqat min ...*» и включение полосы тарджи, начинающейся со стиха «*Ketur sāqi ...*», способствовало созданию сложной структуры дивана, которая включает отдельные композиционные произведения – стихи.

«Бадайи‘ ал-бидайа» имеет важное значение благодаря изображению подростковых и юношеских тем в поэзии Наваи и возникла в результате пристального внимания автора к его первой книге. Многочисленные научные исследования были проведены на рукописях «Бадайи‘ ал-бидайа». Только путем сравнительного анализа вновь выявленных рукописей «Бадайи‘ ал-бидайа» с ранее известными можно сделать достоверные выводы относительно структуры этого дивана. В этом исследовании «Бадайи‘ ал-бидайа» сравнивается с другими одновременными диванами как важное событие в истории тюркской литературы.

***Ключевые слова**: Алишер Навои, «Бадайи‘ ал-бидайа», рукопись, диван, традиции создания диванов, дибача, жанр, газель, тарджи‘банд, Институт востоковедения имени Абу Райхана Бируни Академии наук Республики Узбекистан.*

O. Madaliyeva

The establishment of the “Badayi‘ al-bidaya” divan is an important event in the history of Alisher Navai's poetry

In the annals of Turkic literature, the emergence of a poet like ‘Ali Shir Nava’i (1441–1501) and compiling his poems, resulting in the creation of the collection known as “Badayi‘ al-bidaya”, stand as a momentous event. Therefore, a compositional work like “Badayi‘ al-bidaya” ordered by Nava’i himself, had not yet been created. In the context of Turkic devanism, the tradition of including a preface commenced with the work “Badayi‘ al-bidaya”. Within this divan, the juxtaposition of a profound ghazal featuring the verse “*Ashraqat* ...” and the inclusion of a tarji‘-band that commences with the verse “*Ketur saqi* ...” contributed to the intricate structure of the divan, which comprises distinct compositional works – poems.

The “Badayi‘ al-bidaya” holds importance with its portrayal of the adolescence and youth themes in Navā’ī’s poetry and emerged as a result of the author’s meticulous attention to his inaugural book. Numerous scholarly investigations have been conducted on the manuscripts of the “Badayi‘ al-bidaya”. Only through a comparative analysis of the newly identified manuscripts of “Badayi‘ al-bidaya” alongside the previously known ones can reliable conclusions be drawn regarding the structure of this divan. This study compares “Badayi‘ al-bidaya” to other concurrent divans as an important event in the Turkic literature’s history.

Keywords*: ‘Ali Shir Nava’i, Badayi‘ al-bidaya, manuscript, divan, the traditions of divans, dibacha, genre, ghazal, tarji‘-band, The Abu Rayhan Biruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.